

## Пудрат шартномаси

6 - сон

2022 йил " 18" - июль

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Қўнғирот тумани Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиқ М.А.Алиев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "MAXSUS YO'L STROY" маъсулияти чекланган жамияти номидан устави асосида иш кўрувчи Б.А.Калмуратов иккинчи томондан, Қўнғирот тумани Кок даръя МФЙ Қызыл куш овули 4-сонли куча йўлининг 0-1,080 км қисмини жорий таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### **1. Таърифлар**

#### **1.1 Мазкур шартномада тарифлар қулланилади:**

**"ижро ҳужжатлари":** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар турқуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

**"қурилиш майдони":** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиш бўйича ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**"вақтинчалик ишлар":** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**"беркитилган ишлар":** сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиш:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### **II. Шартнома мавзуси**

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиха-смета ва экспертиза ҳулосасига келишилган муддатларга асосан Қўнғирот тумани Кок даръя МФЙ Қызыл куш овули 4-сонли куча йўлининг 0-1,080 км қисмини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### **III. Шартнома бўйича ишлар қиймати**

3.1 Мазкур шартнома "14" - июль 2022 йилдаги 1-босқич мажлис баённомаси ва 117872-сонли лотга асосан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ККС ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 284 706 027 (икки юз саксон турт миллион етти юз олти минг йиғирма етти) сўми ташкил этади.

3.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қиймати ва қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

4.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- объектда тасдиқланган лойихага мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;
- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқлинишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

4.2 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

5.1 Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий йўл қурилиш сифати техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қабул қилиб олишни таъминлаш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддати**

6.1 Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради:

6.2 Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва аниқланган муддатда ишларни тўлиқ якунлайди..

6.3 Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 54 кунни ташкил этади

6.4 Мазкур шартнома бўйича ишларнинг муддати ҳамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадвалига (1а-илова) мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

7.1 Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида, аванс ўтказади.

7.2 Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асрсан молиялаштирилади. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 70 % гача доирасида амалга оширилади.

7.3 Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

7.4 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.5 Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VIII. Ишларни бажариш**

8.1 Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади. Аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича барча чораларини қўради, мунтазам равишда олиб борилаётган ишлар юзасидан Буюртмачи маъсул ходимларини ёзма равишда хабардор қилиб боради.

8.2 Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3 Пудратчи Техник кузатувчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4 Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5 Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6 Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7 Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортика тупроқ ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва этишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

8.8 Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9 Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.10 Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлаши схемаларини жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

8.11 Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12 Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.13 Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.14 Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитилладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.15 Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16 Агар беркитилладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитилладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.17 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келтирилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 8.15 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18 Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.19 Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарида юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларини кўриқлаш**

9.1 Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунча қадар четлари тўсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

9.2 Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

10.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мажбурият шартноманинг

бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2 Агар энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

11.1 Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2 Объект фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3 Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4 Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XII. Кафолатлар**

12.1 Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2 Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиш тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

12.3 Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.4 Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### **XIII. Шартномани бекор қилиш**

13.1 Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2 Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.4 Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

14.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 % миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

14.3 Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги керак.

Пудратчи бажариш графигида 2021 йил учун белгиланган иш ҳажми қийматининг бажармаган қисмидан Буюртмачига 1 фоиз миқдориди жарима тўлайди.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

14.4 Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20% фоизи миқдориди ундириш ҳуқуқига эга.

14.5 Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

14.6 Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби**

15.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар**

16.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

17.1 Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

18.1 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

18.2 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

18.3 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

18.4 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

18.5 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

18.6 Мазкур шартнома 31.12.2022 йилгача амал қилади.

Пудратчи:

Буюртмачи:

**«MAXSUS YOL STROY» МЧЖ**

Манзил: Қўнғирот тумани З.М.Бабур кўчаси №208 уй  
Тел/Факс: +998905742771  
ИНН: 305 684 300  
Х/р: 20 208 000 900 906 098 001

МФО: 00611  
Банк: Қишлоқ қурилиш банк Қўнғирот филиали  
ОКЭД: 42110  
Рахбар: **Б.Калмуратов**

(ФИЗ:ИНН 431 597 805)

М.Ў.



**Қўнғирот тумани Ободонлаштириш бошқармаси**

Манзил: Қўнғирот тумани Ипак йўли кўчаси рақамсиз уй  
Тел/Факс: +99861-312-39-44 +99890 654-06-70  
ИНН: 204618867 ОКЭД: 81300  
л/с: 100022860352157045204110003

Қўнғирот тумани Ғазначилик бошқармаси  
Х/р: 23402000300100001010  
ИНН: 201122919 МФО:00014  
Банк: Марказий банк Ташкент шаҳри  
Бошлик: **М.Алиев**

(ФИЗ:ИНН 550 413 324)



М.Ў.



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"MAXSUS YO'L STROY" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"MAXSUS YO'L STROY" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

**03.08.2018**

**626946**

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Sollq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

**305684300**

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

**Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

Joylashgan joyi:

**Qoraqalpog'iston Respublikasi, Qo'ng'iro't tumani, Qo'ng'iro't, Z.M.Babur,  
208,**

Guvohnoma:

**Qoraqalpog'iston Respublikasi, Qo'ng'iro't tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI** tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



**Korrupsiyaga qarshi qoidalarining ASOSIY  
SHARTLARI**

1. Tomonlar shartnoma b6yicha 6z majburiyatlarini bajarayotganda 6zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish t6grisidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni Q6ngirot tumani Tibbiyot birlashmasi xodimi 6z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsning manfaatlarini k6zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:

pora berishni taklif qilish yoki va'da berish;

tovlamachilik qilish;

pora sifatida pul t6lash;

bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.

Tomonlar ushbu harakatlarga y6l q6ymaslik b6yicha choralar k6rilishiga kafolat beradi.

2. Agar shartnoma b6yicha bir Tomon Q6ngirot tumani Tibbiyot birlashmasi xodimining ahloqqa t6gri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki 6zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat b6lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:

SSV tizimidagi korrupsiyaga oid holatlar haqida tezkor xabar berish uchun qisqa raqam 1203

6zbekiston Respublikasi korrupsiyaga qarshi kurashish agentligining call markazi raqami 1253

Telegram-kanali (@antikorbot);

Q6ngirot tumani Tibbiyot birlashmasi

**TOMONLAR:**



**Sotuvchi:**

«MAXSUS YO'L STROY» MCHJ rahbari

B. Kalmuratov



**Sotib oluvchi:**

Q6ngirot tumani Obodonlashtirish boshqarmasi

boshlig'i M. Aliyev



**QÓNGIROT TUMANI ADLIYA BÓLIMI YURIDIK XIZMAT  
KÓRSATISH MARKAZINING YURIDIK AHAMIYATGA EGA  
HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI  
TÓGRISIDAGI HUQUQIY XULOSASI**

**1.Loyihaning turi:** Shartnoma

**2.Loyihaning nomi:** Pudrat shartnomasi

Buyurtmachi Qóngirot tumani Obodanlashtirish boshqarmasi nomidan Nizom asosida ish yurutuvchi boshligi M.Aliev;

Pudratchi "MAXSUS YO'L STROY" ma'suliyati cheklangan jamiyati nomidan ustavi asosida ish yurutuvchisi B.A.Kalmuratov ikkinchi tomondan Qóngirot tumani Kók daryo MFY Qizil qush ovuli №4-sonli kócha yólining 0-1,080 km qismini joriy ta'mirlash ishlariga doir mazkur pudrat shartnomasini tuzish haqida.

Mazkur shartnoma 14-iyul 2022 yildagi birinchi bosqich majlis bayonnomasi 117872-sonli lot ga asosan tasdiqlangan ishlar qiymati barcha soliqlar, yigimlar, QQS va ajratmalarini óz ichiga olgan holda joriy narxlarda 284 706 027 ( ikki yuz sakson tórt million etti yuz olti ming yigirma etti) sómni tashkil etadi.


**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi malumot:** Qóngirot tumani Obodanlashtirish boshqarmasi tomanidan 2022-yil 18-iyul

Ushbu shartnoma loyihasi Ózbekston Respublikasi 29 avgust 1998 yildagi 670-1-sonli Xójalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi tógrisidagi qanuni, Ózbekston Respublikasi 22 aprel 2021 yildagi 684-sonli Davlat haridlari tógrisidagi qanuni, Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari tógrisida»gi 14-sentyabr 2021-yildagi PF-6313-sonli Ózbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni talablariga javob beradi.

**Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq**

**Eslatma:** Ózbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 02-iyul kúngi PF 164-sonli Farmoniga asos Qaroqalpogiston Respublikasi hududida favqulotda holat joriy etilganligi bois internet tarmogida aloqa bolmaganligi sababli ushbu buyruq loyihasisga qogoz shaklida xulosa beriladi.

Markaz bosh yuriskonsulti



R. Annarazov

**2022 yil «18» iyul**



«ТАСТЫЙЫҚЛАЙМАН»  
Конырат районы Абаданластырыу  
баслығы М.Алиев  
« 14 » 2022-жыл

Конырат районы Абаданластырыу баскармасы тәрәпинен «Товар-материаллық запаслар хәм ислерди (хызметлерди) сатып алыў бойынша таңлаў комиссиясы»ның ең жақсы ушысларды таңлап алыў бойынша откерилген  
9-санлы мәжлис баянламасы

2022-жыл « 18 » - июль

Конырат районы

Қатнасыўшылар  
Комиссия баслығы

М.Алиев

Конырат районы Абаданластырыу  
баскармасы баслығы

Комиссия ағзалары

М.Оразбаев

Конырат районы Абаданластырыу  
баскармасы бас инженери

Г.Кожекенова

Конырат районы Абаданластырыу  
баскармасы абаданластырыу тарауы  
хызмети бойынша онлау жумысларын  
шолкемлестириу инженери

А.Картбаев

Конырат районы Абаданластырыу  
баскармасы технадзори

М.Баймуратов

Конырат районы Абаданластырыу  
баскармасы бас есапшысы

#### КҮН ТӘРТИБИ:

Конырат районы Абаданластырыу баскармасы - Таңлап алыў комиссиясы баслығы М.Алиев мәжлисте таңлаў комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам қатнасып атырғанлығын айтып өтип, таңлаў комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлаў комиссиясы хаткери таңлаў комиссиясына төмендеги мағлыўматларды усунды:

Өзбекстан Республикасының 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы «Мамлекет сатып алыўлар хақында»ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда- Нызам) 58-статьясына мууапық ең жақсы ушысларды таңлап алыў откерилиўи хақында арнаўлы информатсион порталында (<http://etender.uzex.uz/>) дағаза таңлаў қатнасыўшыларының қабыл етиў мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрәпинен жеке кабинети арқалы жайластырылған №117872-санлы лотга тийкар 2022 жыл 14-июль күни откерилген 1-баскыш баянламасы бойынша хеш кандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы «Мәмлекетлик сатып алыўлар хақында»ғы Нызамы талапларына хәмде жоқары көрсетилген мағлыўматларды есапқа алып Таңлаў комиссиясы

#### Қ А Р А Р Е Т Е Д И :

1. Конырат районы Абаданластырыу баскармасы бюджет қаржылары есабынан [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) парталына жайластырылған Конырат районы Кок дарья МФЙ Кызыл куш ауылы 4-коше жолынын 0-1,080 км болегине женил онлау жумысларын әмелге асырыў ушын өткерилген таңлап алыўда таңлаў хужжетлеринде хәм таңлаў шәртлери бойынша ең жақсы шәртлерди усунған хәм таңлап алыў женимпазы деп табылған «MAXSUS YO'L STROY» жууапкершилиги шекленген жамieti менен 284 706 027 сумга шартнама дузилсин.

2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыў шәртлери тийкарында шәртнама дүзиўден бас тартқан жағдайда шартнама дүзиў хукуқы кейинги қатнасыўшы (резерв) етип, «TARAQQIYOT INNOVATSIYA» ЖШЖ деп

белгиленсин. Бунда жеңимпаз қатнасыўшы усыныс еткен суммасынан аспаған мугдарда шартнама дүзиў мүмкинлиги белгилеп қойылсын.

3. Нызам талапларына муўапық таңлаў қатнасыўшыларының усынысларын көрип шығыў хәм баҳалаў мүддети усыныслар бериў тамам болыўынан 10 (он) күнинен асып кетиўи мүмкин емеслиги мағлыўмат ушын қабыл етилсин.


4. Мекеменин бас есапшысы – М.Баймуратовка таңлау алыу жуумагы бойынша жеңимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хамде шартнама дузилгеннен сон 3 (уш) жұмыс куни ишинде арнаулы информатсион порталына (<http://etender.uzex.uz/>) жайластырыу тапсырылсын.


**Қатнасыўшылар**  
**Комиссия баслығы**


М.Алиев  Қонырат районы Абаданластырыу баскармасы  
баслығы

**Комиссия ағзалары**

М.Оразбаев  Қонырат районы Абаданластырыу баскармасы  
бас инженери

Г.Кожекенова  Қонырат районы Абаданластырыу  
баскармасы абаданластырыу тарауы  
хызмети бойынша онлау жұмысларын  
шолкемлестириу инженери

А.Картбаев  Қонырат районы Абаданластырыу баскармасы  
технадзори

М.Баймуратов  Қонырат районы Абаданластырыу баскармасы  
бас есапшысы